Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@med.uz • 2009 йил, 25 сентябрь • № 37 (656)



## 1 октябрь – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



## ИЛМУ ЗИЁ НУРИН СОЧГАН ЎЗИНГИЗ...

***Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг амалдаги ифодаси таълим тизимини янги босқичга кўтариб, давр талабига мос кадрлар тайёрлаш масъулиятини кучайтирмоқда. Дарҳақиқат, мактаб таълимидан бошлаб, илмий-тадқиқот даражасигача бўлган узлуксиз таълимни ўз ичига олган мазкур дастур ёш мутахассисларни чуқурроқ изланиш, демократик жамият қуришдаги фаоллигини ошириш ҳамда уларнинг соҳа ривожидаги янгиликларини амалиётга татбиқ этиш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.***

Шу боис, ҳар томонлама иқтидорли, юксак салоҳиятга эга, илмга чанқоқ ёшларни тарбиялаш, улар сафини кенгайтириш ва педагог-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш баробарида моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш ишлари давлатимиз томонидан доимий эътиборда бўлиб келаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Айтиш жоизки, илм-фан ривожини такомиллаштириш ҳамда юксалтиришда малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёж ортади. Шундай экан, ёшларнинг истиқболли келажак сари интилишлари, изланишлари ва билим олишлари учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратилган. Айниқса, мактаб, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг замон талаблари даражасида бунёд этилаётгани, замонавий ўқитиш технологиялари ҳамда малакали кадрлар билан таъминланаётгани ҳам изланувчан ёшларнинг эртаси порлоқ эканлигидан далолатдир.

Эътироф этиш жоизки, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда устоз ва мураббийларнинг меҳнатлари беқиёс. Зеро, уларнинг ёшларга берган таълим-тарбияси жамият равнақи янада юксалишида ҳамда юртимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишида асосий пойдевор бўлади. Дарҳақиқат, шоир айтганидек:

**Меҳрингиз қалб кўри садоқат ила,**
**Зарварақ ҳаётдан бердингиз таълим.**
**Илму зиё нурин сочган ўзингиз,**
**Сизга минг бор таъзим, устоз-муаллим.**

**Ибодат СОАТОВА.**
Сурат муаллифи Собир **МАЖИДОВ.**

## УШБУ СОНДА:

**САМАРАДОРЛИК: ТАШАББУС ВА ЯНГИЛИК САРИ ЕТАКЛАЙДИ** — *2-бет*

**ПАТРОНАЖ ҲАМШИРАЛАРДАГИ МАСЪУЛИЯТ ВА МАҲОРАТНИНГ ТАРҒИБОТДАГИ ЎРНИ** — *3-бет*

**КОНТРОЛЬ НЕОБХОДИМЫХ ЗНАНИЙ И НАВЫКОВ** — *6-я стр.*

*Эътироф*

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛИ ЙЎЛИДА

Фарзандларимиз соғлиги ҳар биримиз учун катта бахт. Улар саломатлигини муҳофаза қилиш келажагимизни яратиш, жамиятимиз тараққиётини юксалтиришдан иборатдир. Айтиш жоизки, давлатимиз томонидан фарзандларимиз соғлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлик кучайтирилиб, уларнинг баркамол ва соғлом ўсишлари учун кенг имкониятлар яратилаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Айниқса, фарзандларимиз камоли йўлида тиббиёт масканлари, спорт иншоотлари ва таълим муассасаларининг ўзига хос замонавий тарзда бунёд этилаётганлиги қалбларимизни қувончга тўлдиради. Фарзандларимиз саломатлиги йўлида мурувватли ишларнинг амалга оширилаётганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Бунинг ифодаси сифатида айтиш мумкинки, «Меҳр нури» фонди томонидан кўплаб тиббиёт муассасаларига беғараз ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, бизнинг Тошкент шаҳар 4-сон юқумли касалликлар клиник шифохонамиз ҳам шу йил «Меҳр нури» фонди томонидан замонавий типда бунёд этилиб, янги, зарурий тиббий асбоб-ускуналар, диагностика жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. Эътироф этиш жоизки, «Меҳр нури» фонди томонидан яратилган бундай кенг имкониятлар ота-оналарни мамнун этмоқда. Шу боис, фарзандларимиз саломатлиги йўлида эзгу ишларни амалга оширган ҳамда шифохона ходимлари учун соғлом муҳитни яратган «Меҳр нури» фондига ўз миннатдорчилигимизни билдириб, уларнинг бундан кейинги савобли ишларига омад, ўзларига эса сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

**Тошкент шаҳар 4-сон юқумли касалликлар клиник шифохонаси жамоаси.**

### Ҳурматли муштарийлар!

Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgzt.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топиш имкониятига эгасиз. Ундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, uzss@med.uz, uzss@yandex.ru, uzss@ inbox.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.

## *Обуна — 2010*



***Ҳурматли муштарийлар!***
***«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2010 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.***

**Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!**
**Нашр индекси: 128.**

## *Бирламчи тиббий санитария хизматига ёрдам*



**Таъкидлаш жоизки, 2009 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1096-сонли ҳамда жорий йилнинг 1 июлидаги ПҚ-1144-сонли "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорлари ижросини бажариш бўйича республика тиббиёт тизимида фаолиятлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Айниқса мазкур Қарорлар ижросини бажариш бирламчи санитария бўғинида ҳам тезкорлик билан амалиётга татбиқ этилаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, ушбу муҳим ҳужжат асосида тизимдаги ҚВПларда туб ўзгаришлар бўлиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати кундан-кунга ошиб бормоқда. Биз куни кеча Андижон вилояти, Балиқчи туманидаги «Алам» қишлоқ врачлик пунктида бўлганимизда соҳага оид қарорларнинг амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлиб, ушбу муассаса ходимлари билан суҳбатлашдик.**



# САМАРАДОРЛИК: ТАШАББУС ВА ЯНГИЛИК САРИ ЕТАКЛАЙДИ

*Мўъжазгина қишлоқ врачлик пунктига кириб борар эканмиз, у ердаги озодалик ҳамда ҳар бир хонанинг ўзига хос дид билан жиҳозлангани бизни бефарқ қолдирмади. Нигоҳимиз илк бор муассаса ичидаги бежиримгина дорихонага тушди. Унинг ёнидан турли хил гиёҳлардан тайёрланган дамламалар мажмуаси бўлган фитобар ҳам ўзига хос тарзда ўрин олган эди. Шундан сўнг муолажа, физиотерапия, кундузги стационар ҳамда бошқа хоналардаги фаолиятларни кузатиб чиқар эканмиз, давр талабидаги ана шундай тиббиёт муассасасининг аҳолига кўрсатаётган сифатли тиббий хизмати самарали эканлигига амин бўлдик. ҚВП фаолиятига ойдинлик киритиш мақсадида мудира Мухтасар ЭРГАШЕВАни суҳбатга тортдик:*



– Тиббиётимизнинг асосий мақсади аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишдан иборат экан, бу борада ҚВПмизда муайян ишлар амалга оширилиб, давлатимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган Қарорлар ижроси бўйича фаолиятларни янада жадаллаштириб бормоқдамиз. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, аввало бемор қалблардан ширин сўзимизни аямаслигимиз ҳамда муассасамизга мурожаат этиб келувчи ҳар бир фуқаро учун керакли шароит ва имкониятларни яратишимиз зарур. Бундан ташқари, жамоадаги ходимлар орасида соғлом муҳит барқарор бўлмоғи лозим. ҚВПмиз юридик мақомга эга бўлиб, ҳудудимизда 5686 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 4 нафар умумий амалиёт шифокори ва 14 нафар патронаж ҳамшира тиббий хизмат кўрсатади. Муассасамиз «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан янги технологиялар билан жиҳозланган. Шунингдек, шифокорларимиздан 3 нафари лойиҳа доирасидаги 10 ойлик ўқув курсида ўқиб, умумий амалиёт шифокори мақомига эга бўлган. Фаолиятларимизнинг асосий самарасини кўрсатувчи патронаж ҳамшираларимиз ҳам узлуксиз таълим асосида ўз билим ва малакаларини ошириб, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини фаоллик билан олиб бормоқдалар. Тажрибали, фидойи ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли аҳоли орасида юқумли, ижтимоий ва турли касалликлар камайиб, яхши натижаларга эришмоқдамиз. Айниқса, 2009 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1096-сонли ҳамда жорий йилнинг 1 июлидаги ПҚ-1144-сонли "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорлари бўйича муассасамизда фаолиятларни янада жадаллаштириб юбордик. ҚВПмиз ҳудудида дорихона бўлмагани сабабли (дорихона муассасадан 15 километр узоқликда жойлашган) аҳолига қулайлик яратиш мақсадида муассасада дорихона ташкил қилдик. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 2 февралдаги 25-сонли буйруғи асосида инсонлар саломатлигини янада муҳофаза қилиш мақсадида фитобарни ишга туширдик, аҳоли бундан бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Ундан ташқари, куз ва қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ҳам битказилиб, қозонхона таъмирдан чиқарилди. Хоналардаги барча иситкичлар газ билан иситилсада, кўмир захираси ҳам етарли даражада жамлаб қўйилди. Сув масаласига келсак, муассасада иссиқ ва совуқ сув таъминоти яхши йўлга қўйилган. Излаган имкон топади деганларидек, сув таъминоти муаммо бўлган бир пайтда муассаса ҳудудидан алоҳида жой ажратиб, ер тубидан сув олиб чиқиш имкониятига эга бўлдик ва махсус қувурлардан фойдаланиб, ҳар бир хонани иссиқ ва совуқ сув билан таъминладик. Бундан ташқари, ҳудудимизда турли хилдаги манзарали ва мевали дарахтлар мавжуд бўлиб, олинадиган маҳсулотларнинг бир қисми ходимлар учун ажратилса, қолган фойдаси эса муассасамиздаги камчиликларни бартараф этишда ишлатилмоқда. Эътироф билан яна шуни айтмоқчиманки, вилоят соғиқни сақлаш бошқармаси, вилоят ҳокимлиги ва бир қанча фермер хўжаликларининг бизга кўрсатаётган ҳомийликлари моддий базамизни бойитишда асосий омил бўлмоқда. Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида ҚВПларнинг фаолиятини тубдан ўзгартириш асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ишлаб чиқилиб, муассасамизга амалий ёрдам бериш учун вазирлик томонидан бириктирилган Республика Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти ходимларининг кўрсатаётган амалий ёрдами катта бўлмоқда. Айниқса, институт директори, профессор Мирҳаким Азизовнинг берган тавсия ва маслаҳатлари ишларимиз самарали кечишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу марказ мутахассислари ҳар ойда бир марта муассасамизга ташриф буюриб, ходимларимизга амалий ёрдам бермоқдалар. Асосий вазифамиз халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш экан, соҳага оид ҳар бир меъёрий ҳужжатлар ижросини таъмин этиш олдимизда турган муҳим талаблардан биридир. Бунинг учун ташаббускорлик, қаттиққўллик ва талабчанликни ошира бориб, яратилаётган барча имкониятлардан оқилона фойдаланиш асосий омиллардан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.




*Ҳа, ёш, талабчан, ташаббускор раҳбарнинг фаолиятларини зимдан кузатар эканмиз, муассасадаги тиббиёт ходимларининг фидойилик билан ишлаётганликларини кўриб, уларнинг мақсадлари битта, у ҳам бўлса инсон саломатлигини муҳофаза қилиш эканлигига яна бир бор иқрор бўлдик. Мухтасар Эргашеванинг келгусида фитобар ҳамда физиотерапия йўналишидаги фаолиятларни тўғри йўлга қўйиб, аҳолига енгиллик яратиш режаси борлигини унинг фикрларидан англаб етдик. Айниқса, ходимлар орасидаги соғлом муҳит, олиб борилаётган фаолиятлар самарадорлиги туфайли аҳоли орасида бўқоқ, камқонлик, қон босими, қандли диабет, ижтимоий ҳамда сурункали касалликларнинг кам қайд этилаётгани тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилганидан далолат бериб турибди. Ҳар бир хонадаги тиббиёт ходимлари тайёрлаган тахламларга эътибор берар эканмиз, давлатимиз томонидан чиқарилган қарорлар, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари тартиб билан қўйилганлиги ҳам ижро интизоми мустаҳкамлиги ифодасидир. Бундан ташқари, махсус ташкил этилган бурчаклардан ўрин олган буклет ва қўлланмалар муассасага мурожаат этувчилар учун ажратилган бўлиб, улар касалликларнинг келиб чиқиши ва даволаш йўллари бўйича тиббий маълумотга эга бўлаётганликларининг гувоҳи бўлдик.*

**Биз муассасадаги молиявий аҳвол билан танишиш мақсадида ҚВП менежери Феруза ЖЎРАЕВАни ҳам суҳбатга чорладик:**

– Иқтисодиёт – давлатимиз юксалишида ва унинг тараққий топишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши биламиз. Шунинг учун мазкур йўналишда хато ва камчиликларга ҳамда суиистеъмолликка йўл қўймасликка ҳаракат қилиш зарур. ҚВПмиз юридик мақомга эга бўлиб, ўзининг ҳисоб рақами очилган. Бунда маблағлардан оқилона фойдаланиб, муассасанинг моддий базасини бойитиш ҳамда керакли фойдани инсонлар саломатлиги йўлида тўғри йўналтириш бугуннинг асосий талабига айланиб бормоқда. Шундай экан, ҳисоб-китобнинг тўғри таъмин этилиши ва маблағ сарф қилиниши кўпроқ менежер зиммасида бўлади. Шу ўринда мен ҳам фаолиятим давомида раҳбарият билан келишган ҳолда иш олиб бориб, самарали натижаларга эришишга ҳаракат қилиб келмоқдаман.



**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бирламчи тиббий санитария тизимида амалга оширилаётган ана шундай эзгу ишлар аҳоли саломатлиги йўлида қилинаётган экан, «Тут» қишлоқ врачлик пункти ходимлари фаолиятига ривожлар тилаб қоламиз.**

**Суҳбатдош Ибодат СОАТОВА.**
**Муаллиф олган суратлар.**

2009 й.
№ 8

Ўзбекистон Республикаси

Халқаро тараққиёт уюшмаси

Осиё тараққиёт банки

Озиқланишни Яхшилаш Глобал Алянси





## «Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

**«Health – 2»**
**«Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects**

**Проекты «Здоровье – 2»**
**«Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»**

*Ислоҳот одимлари*

# ПАТРОНАЖ ҲАМШИРАЛАРДАГИ МАСЪУЛИЯТ ВА МАҲОРАТНИНГ ТАРҒИБОТДАГИ ЎРНИ

**Тошкент вилояти**

***Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳаларининг амалга ошираётган ишларида ҳамшираларнинг меҳнати катта эканлигини уларнинг аҳоли орасида олиб бораётган фаолиятлари мисолида кўриш мумкин. Ҳамширалар фаолиятида касбий таълимни ривожлантириш, узлуксиз малака оширишни кучайтириш, ҳамширалик иши жараёнида амалий кўникмаларни татбиқ этиш ва тажриба кўламини кенгайтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳалари, тиббий таълимни ривожлантириш маркази, USAID/ЗдравПлюс халқаро ташкилотлари томонидан кўпгина истиқболли таълим дастурлари ишлаб чиқилиб, жаҳон стандартларига мос ҳолда ўқув семинарлари ташкил қилинмоқда. Шу кунга қадар ҳамшираларимиз «Шахслараро мулоқот», «Кўкрак сути билан боқиш», «Бирламчи тиббий санитария тизимида ҳамширалар ишининг асосий кўникмалари», «Репродуктив саломатлик» ва «Бехатар оналик» мавзулари бўйича ўқув семинарлари ташкил этилган эди. Бугунги кунда мазкур ўқув семинарларнинг натижалари ўз ифодасини бераяпти десак, янглишмаган бўламиз. Айниқса, ушбу таълимий дастурлар патронаж ҳамширалар фаолиятида алоҳида ўринга эга бўлаётганлигини улар меҳнатида кўриш мумкин. Шунингдек, бирламчи тиббий санитария тизимида ҳамширалар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси ходимлари ҳамда Буюк британиялик эксперт Мораг Маккормик ҳамкорлигида стандартлар ишлаб чиқиш таклифи киритилган эди. Мазкур стандартлар бўйича ҳамшираларимиз фаолият жараёнларини маҳаллий шароитимизга мос равишда амалиётга татбиқ этиб келмоқдалар. Ана шундай стандартлардан бири «Туғруқдан кейинги парвариш» мавзусида бўлиб, патронаж ҳамширалар аҳоли орасида тарғибот ишларини бошлаб юбордилар. Танлаб олинган ушбу стандарт бўйича иш олиб бораётган Тошкент, Самарқанд ва Андижон вилоятларидаги қишлоқ врачлик пунктларида меҳнат қилаётган патронаж ҳамширалар фаолияти билан танишиб, уларга қуйидагича саволлар билан мурожаат этдик:***



**«Туғруқдан кейинги парвариш» мавзуси бўйича ишлаб чиқилган стандарт асосида ҚВПларда фаолият юритаётган патронаж ҳамширалари учун саволлар:**

*1. «Туғруқдан кейинги парвариш» мавзуси бўйича ишлаб чиқилган стандарт сизнинг иш жараёнингизда қандай енгилликлар яратди?*
*2. Стандарт билан ишлаш жараёнида қандай қийинчиликлар кузатилади?*
*3. Стандартнинг қайси қисмини ўзгартириш керак, деб ўйлайсиз?*
*4. Бошқа мавзулар бўйича ишлаб чиқилган стандартлар иш жараёнингиз учун керакми?*
*5. Стандарт билан ишлаш иш вақтининг қанча қисмини қамради?*
*6. Стандарт билан ишлашда умумий амалиёт шифокорингизнинг фикри қандай бўлди?*
*7. Туғруқдан кейин аёллар билан стандарт бўйича ишлаганингизда уларнинг фикри қандай бўлди?*
*8. Яна қайси йўналиш ёки мавзулар бўйича стандартлар бўлишини хоҳлардингиз?*





**Зухра ТОШХЎЖАЕВА,**
**Тошкент вилояти, Зангиота тумани,**
**«Зангиота» қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси:**

– Қишлоқ врачлик пунктимиз 3-типда бўлиб, 13 минг 100 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Уларга 8 нафар врач (5 нафари умумий амалиёт шифокори), 24 нафар ҳамшира (13 нафари патронаж ҳамшира) сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Аввало, ҳамширалик касбини танлаганимдан хурсандман, чунки халқнинг саломатлигини сақлаш, унга беминнат хизмат кўрсатиш савобли ишлардан бири эканлиги фаолиятда катта ишонч билан ишлашни тақозо этар экан. Эътироф этмоқчиманки, Юртбошимизнинг ҳамширалар ишига эътибор ва ғамхўрликлари туфайли узлуксиз таълим ва малака кўникмаларимизни бойитиш учун барча шароит ва имкониятлар яратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳалари ҳамда бир қанча халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилган ўқув семинарларида иштирок этишимиз билимий кўникмаларимизни бойитган бўлса, унинг асоси эса аҳоли орасида мукаммал ишлашимизга катта замин яратди. Айниқса, «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси асосида амалиётга татбиқ этилаётган «Туғруқдан кейинги парвариш» мавзусида ишлаб чиқарилган стандарт фаолиятимни янада такомиллаштирмоқда. Ушбу стандарт бўйича она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ишларига эътиборимни янада кучайтирмоқдаман. Аввалида ушбу стандарт асосида иш бошлаш бироз қийин кечди, сабаби туғруқдан қайтган аёлнинг оила аъзоларига мавзу моҳиятини тушунтириш анчагина вақтни талаб этди. Айниқса, айрим оилаларда қайноналарнинг эътирози бўлди. Улар мавзу мақсадини тушуниб етгач, ҳамкорликдаги ишларимиз ўз йўлига тушиб кетди. Стандарт асосида хонадонлардаги она ва бола саломатлигини назорат қилишга борганимда онанинг фарзанд кўришидан олдинги ҳолати ҳамда туғруқдан кейинги соғлиги, шунингдек, чақалоқнинг туғилгандан сўнгги аҳволи тўғрисида онадан асосий жавобларни олиб, назорат дафтарига қайд этаман.

Демоқчиманки, татбиқ этилаётган стандартнинг айрим қисмларини қисқартириш лозим деб биламан. Лекин, ушбу стандарт билан ишлаш умумий амалиёт шифокорлари фаолиятида енгиллик туғдирди десам, янглишмаган бўламан. Шунингдек, жорий этилаётган стандарт нафақат патронаж ҳамширалар, балки оналар учун ҳам асосий бир қўлланмага айланиб бормоқда. Бунинг баробарида бошқа муҳим йўналишлар бўйича янги стандартлар ишлаб чиқилса ҳам фойдадан ҳоли бўлмас эди.

2009 й.
№ 8

Ўзбекистон Республикаси · Халқаро тараққиёт уюшмаси · Осиё тараққиёт банки · Озиқлантиришни Яхшилаш Глобал Альянси

**«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари**

***«Health – 2» «Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects***

***Проекты «Здоровье – 2» «Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»***

## Андижон вилояти

# МУҲИМИ: КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР СОҒЛИГИ



**Зарифа ЁҚУБОВА, Андижон вилояти, Андижон туман «Ровот» қишлоқ врачлик пункти мудири:**

– Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, Юртбошимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига қаратилган эътибор ва ғамхўрликлари туфайли мазкур йўналишда самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, 2009 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1096-сонли ҳамда жорий йилнинг 1 июлидаги ПҚ-1144-сонли "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"-ги Қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида тиббиёт ходимларининг аҳоли орасида олиб бораётган тарғибот ишлари туфайли оналар ва болалар саломатлиги ҳамда оила мустаҳкамлигини барқарорлаштириш бўйича ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, бирламчи тиббий санитария тизимидаги фаолиятлар янада жадаллашиб, замон талаблари даражасида қад кўтарган ҳамда янги технологиялар, шунингдек, малакали кадрлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктларининг фаолиятлари ҳам бундан мустасно эмас. Қишлоқ врачлик пунктимиз 4-типда бўлиб, ҳудудимизда 11 минг 645 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 6 нафар умумий амалиёт шифокори ҳамда 17 нафар патронаж ҳамшира сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Фаолиятдаги тиббиёт ходимларининг астойдил меҳнатлари туфайли, аҳоли орасида юқумли ҳамда ижтимоий касалликларнинг олди олиниб, кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгармоқда. Шунингдек, иккита мактаб, битта боғча ва еттита ихтисослашган комбинатлардаги фуқаролар соғлигини тиббий кўрикдан ўтказиб, уларнинг саломатлигини доимий назорат қилиб борамиз. Эътироф этмоқчиманки, аҳоли тиббий саводхонлигини ошириш ҳамда касалликларнинг олдини олишда муассасамиздаги патронаж ҳамшираларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳалари ва бир қанча халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Шахслараро мулоқот», «Кўкрак сути билан боқиш», «Бирламчи тиббий санитария тизимида ҳамширалар ишининг асосий кўникмалари», «Репродуктив саломатлик» ва «Бехатар оналик» мавзулари бўйича ўтказилган ўқув семинарларда иштирок этган ҳамшираларимизнинг билим ва амалий кўникмалари янада ошди. Айни кунда патронаж ҳамшираларимиз «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси томонидан тақдим этилган «Туғруқдан кейинги парвариш» мавзусидаги янги стандарт асосида фаолият олиб бормоқдалар. Ушбу стандарт патронаж ҳамшираларнинг фаолиятини янада такомиллаштириб, оилаларга чуқурроқ кириб борган ҳолда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.





Юқорида таъкидлаб ўтилган Қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда ҚВПларнинг фаолиятини тубдан ўзгартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бир қанча буйруқлари ишлаб чиқилгани ҳам фаолиятларни янада жадаллаштирди. Мазкур буйруқлар асосида қишлоқ врачлик пунктимизда амалга оширилаётган ишларга амалий ёрдам бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти директори Мирҳаким Азизов ҳамда у бошчилигидаги мутахассисларнинг масканимизга ташрифи тиббиёт ходимларининг малакавий кўникмаларини оширишда ҳамда аҳоли орасида ўтказган тарғибот ва ташвиқот ишлари меҳнатдаги фаоллигимизни янада оширди. Шунингдек, Андижон Давлат тиббиёт институти ректори Мамазоир Хўжамбердиев ҳамда институт клиникаси кардиология бўлими мудири Шариф Умаровнинг кўрсатаётган беғараз ёрдами ҳам аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда асосий омил бўлмоқда. Қишлоқ врачлик пунктимизда фаолиятларнинг тўғри йўлга қўйилгани ҳамда кўп сонли аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаётганлигимиз боис, тиббиёт муассасамиз июль ойида **«Андозали қишлоқ врачлик пункти» мақомига** эга бўлди. Жорий йилнинг 20 июлида вилоят миқёсида фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пункти мутахассислари иштирокида муассасамизда «Андозали қишлоқ врачлик пункти қандай бўлиши керак?» деган мавзуда семинар ўтказдик. Бунда иштирок этган тиббиёт ходимлари фаолиятимиздаги иш жараёнлари билан танишиб, ўзаро тажриба алмашиб қайтдилар. Яна шуни таъкидламоқчиманки, ҚВПмиз «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури асосида жиҳозланган бўлиб, врачларимиз ушбу лойиҳа доирасида 10 ойлик ўқув курсида иштирок этиб, умумий амалиёт шифокори мақомини олишган. Шу кунларда мазкур Қарорлар асосида репродуктив саломатлик ишлари тўғри йўлга қўйилган бўлиб, аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш мунтазам равишда олиб борилмоқда. Мақсадимиз аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишдан иборат экан, бу борада бор куч ва имкониятларимиздан унумли фойдаланиб, юртимиз равнақи учун меҳнат қилишга интиламиз.

**Шухратой ҲОЖИМАТОВА, уй бекаси:**

– Аввало, Президентимизга катта раҳмат. Ана шундай қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиб, шифокор ва ҳамшираларни оилаларга яқинлаштиргани учун ушбу қишлоқ врачлик пункти ташкил этилгандан буён оила аъзоларимизнинг соғликлари тез-тез назорат қилиб турилмоқда. Айниқса, у ерда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг хушмуомалалиги ва касбига бўлган меҳрини айтмайсизми. Патронаж ҳамшираларнинг кунора ҳолимиздан хабар олиши ва турли хил касалликлар бўйича суҳбат ўтказиши ҳамда керакли маслаҳатларни тавсия этиши тиббиёт ва соғлигимизга бўлган эътиборимизни янада оширмоқда. Яқинда келиним Назокатхон фарзандли бўлди. У туғруқдан олдин ҳам, кейин ҳам шифокор ва патронаж ҳамширалар назоратида бўлаётгани бизни қувонтирмоқда. Уларнинг ҳар бир маслаҳат ва амалий ёрдамлари она ва бола соғлом бўлишида катта аҳамиятга эгадир. Ана шундай қалби пок тиббиёт ходимлари бизнинг бахтимизга омон бўлишсин.



**Адолат ТЎХТАБОЕВА, Андижон вилояти, Андижон туман «Ровот» қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси:**

– «Туғруқдан кейинги парвариш» бўйича ишлаб чиқилган стандарт фаолиятимда муҳим ўрин эгаллаётганини эътироф билан айтмоқчиман. Ушбу стандартни ўрганиб чиққанимдан сўнг, она ва боланинг туғруқдан кейинги парвариши қандай кечаётганини иш жараёнимда кузатиб, билим доирамни янада кенгайтириб бормоқдаман. Ушбу стандарт билан ишлаш осон кечди. Чунки юқорида таъкидлаб ўтилган Қарорлар асосида оналик ва боликни муҳофаза қилиш ишларига катта эътибор қаратган эдик, бу стандарт эса унинг узвий давоми бўлди десам, хато қилмайман. Оилага борганимдан сўнг аввало онанинг соғлиги бўйича савол-жавоблар ўтказаман, сўнгра эса чақалоқнинг парвариши, ундаги ўзгаришлар бўйича она билан суҳбатда бўламан. Айниқса, илк бор оналик бахтига муяссар бўлган аёлларга чилла даврида ўзи ҳамда бола парваришини қандай олиб бориш муҳимлиги бўйича керакли тавсияларни бераман. Онанинг қон босимини назорат қилиб бўлгач, чақалоқнинг ўсиши ва ривожланишини кузатаман. Агар уларнинг соғлигида жиддий ўзгариш ёки муаммо бўлса умумий амалиёт шифокори ҳамда педиатрга хабарини етказаман. Бундан ташқари, онанинг турмуш ўртоғи ҳамда қайноналар билан суҳбатда бўлиб, она ва болага ўз вақтида зарурий ёрдам кўрсатишни тавсия этаман. Ушбу стандартнинг айрим қисмларига ўзгартириш киритилса яхши бўларди. Ундан ташқари, бошқа йўналишлар бўйича ҳам муҳим стандартлар ишлаб чиқилса (сил ва онкология касалликлари бўйича), фаолиятларимиздаги жараёнлар осон кечар эди. Оналарга чақалоқни кўкрак сути билан боқиш афзаллиги ҳамда тўғри эмизиш йўлларини кўрсатиб, керакли буклетларни тақдим этамиз. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳаларининг мутасадди раҳбарларидан илтимосим, ушбу стандарт бўйича тарқатма материал ва буклетлар кўпроқ ишлаб чиқилса, шунингдек, аҳолимиз кўп сонли бўлгани боис, стандартдаги айрим қисмларни инобатга олган ҳолда ҚВПмизга бир дона тез ёрдам машинаси ажратилса, яхши бўлар эди. Давлатимизнинг устувор сиёсий масалаларидан бири бўлган оналик ва боликни муҳофаза қилиш давр талаби экан, бу борада билим ва касбий маҳоратимизни ишга солган ҳолда фидойи меҳнат қилиб, аҳолига кўрсатаётган тиббий хизмат сифатини ошириб, халқимиз ишончини оқлаш зарур, деб биламан.




Самарқанд вилояти

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТЛАР БИРЛИГИ

**Тошмирза ҒАЙБУЛЛАЕВ, Самарқанд вилояти, Жомбой туман «Тут» қишлоқ врачлик пункти мудири:**

– Мазкур қишлоқ врачлик пунктимиз 1997 йилда 2-типда ташкил этилган бўлиб, 3 нафар умумий амалиёт шифокори, 14 нафар ҳамшира (9 нафари патронаж ҳамшира) ҳудудимиздаги 5665 нафар аҳоли ҳамда 2 та мактаб, 2 та боғча ва 1 та касб-ҳунар коллежига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Айтиш жоизки, Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107-сонли Фармонида бирламчи тиббий санитария тизимини шакллантириш масаласи биринчи навбатда тилга олинган эди. Мана йиллар ўтиб, бу борадаги фаолиятлар жадаллик билан амалга оширилиб, ўз самарасини бераётганлиги ҳар биримизни қувонтиради. Айниқса мазкур тизимни ислоҳ қилиш борасида замонавий қишлоқ врачлик пунктларини яратиш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш, шунингдек, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш масалалари қўйилган эди. Айни кунда мақсадли вазифалар ўз ечимини топиб, бу борада фаолиятлар янада кенгайди. Бунинг баробарида соҳага оид давлатимиз томонидан чиқарилаётган Қарорлар ҳам юқоридаги Фармоннинг узвий давоми эканлигини тизимдаги ислоҳотлар жараёнида яққол кўриш мумкин. Жумладан, 2009 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1096-сонли ҳамда жорий йилнинг 1 июлидаги ПҚ-1144-сонли "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"-ги Қарорлари ҳам аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганлигини эътироф этиш жоиз. Ушбу Қарорлар ижросини таъминлаш бўйича ҚВПмизда меҳнат қилаётган шифокор ва ҳамшираларимиз фаолиятларни изчиллик билан давом эттириб, репродуктив саломатлик масалаларига катта эътибор бериб, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириб юбордилар. ҚВПмиз «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан замонавий технологиялар билан жиҳозланди, умумий амалиёт шифокорлари мазкур лойиҳа доирасида 10 ойлик ўқув курсида таҳсил олиб қайтишди. Ҳамшираларимиз ҳам кўплаб ўқув семинарларда иштирок этиб, билим малакаларини ошириб қайтдилар. Муассасамизга мурожаат этувчилар учун дорихона, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 2 февралдаги 25-сонли буйруғи асосида фитобар ҳам ташкил қилинган. Ундан ташқари, беморлар учун кундузги стационар мунтазам тарзда ишлаб турибди. Яна шуни айтмоқчиманки, мазкур қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида ҚВПмиз фаолиятига амалий ёрдам бериш мақсадида бириктирилган Республика Нейрохирургия илмий маркази директори Ғайрат Қориев раҳбарлигидаги жамоа ходимларининг ҳар ойда келиб кўрсатаётган беғараз ёрдамлари, бунинг баробарида эса аҳоли орасида турли хил касалликлар тўғрисида ўтказаётган суҳбатлари фаолиятларимиздаги жараёнлар янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу марказнинг тажрибали ходимларидан Маҳмуд Аҳмедов ва Лазизжон Усмоновнинг аҳоли орасидаги тарғибот ишлари уларнинг тиббиётга ишончи ва ўз соғлиқларига бўлган эътиборларини оширмоқда. Аввало, муваффақиятга эришиш, ишлар самарадорлигини ошириш ҳамкорликдаги фаолиятларга боғлиқ деб биламан. Шу боис, маҳалла фуқаролар йиғини ва бир қанча жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли саломатлиги йўлида олиб бораётган фаолиятларимиз ўз самарасини бериб, юқумли ва ижтимоий касалликларнинг олди олиниб, тарғибот ишлари янада кучайтирилмоқда. Асосий вазифамиз бирламчи тиббий санитария тизимида инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш экан, шу йўлда оилаларга чуқурроқ кириб борган ҳолда, улар соғлигини доимий назоратга олиб, бу борада виждонан меҳнат қилиб, шифокор деган номни оқлашимиз зарур.









**Нодира МЕЛИЕВА, Самарқанд вилояти, Жомбой туман «Тут» қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси:**

– «Туғруқдан кейинги парвариш» мавзуси бўйича ишлаб чиқилган стандарт фаолиятимизда катта ўрин тутмоқда. Таъбир жоиз бўлса айтишим керакки, ҳомиладор аёлларимиз то фарзанд кўргунларича маълум бир қийинчиликлардан ўтишади. Шу жараёнда уларга биз таянч бўлган ҳолда керакли маслаҳат ва тавсияларни бериб борамиз. Лекин, фарзанд дунёга келгандан сўнг она ва бола парваришининг ўзига хос муаммолари ҳам бор экан. Айниқса, чилла даврида она ва чақалоқда айрим ўзгаришлар бўлади. Алоҳида таъкидлаш муҳимки, ишлаб чиқилган стандартда зарур қисмлар ўрин олган бўлиб, бизнинг вазифамиз нималардан иборат эканлиги яққол кўрсатиб берилган. Мен ва ҳамкасабаларим стандарт асосида иш олиб борар эканмиз, мавзу мақсадини оила аъзолари тушуниб етгунча бирмунча қийинчиликларга дуч келдик. Айни кунда эса оила аъзоларининг муносабатлари ижобий томонга ўзгариб, она ва чақалоқнинг соғлигига катта эътибор беришмоқда. Ушбу стандарт фаолиятимизда муҳим қулайликлар туғдирди. Оила аъзолари мустақил фикрга эга бўлишди. Иш жараёнида, айниқса она ва чақалоқ туғруқ мажмуасидан қайтгандан сўнг, стандарт асосида ҳафта мобайнида 9 марта улар саломатлигини назорат қилишимиз керак экан. Бизнинг таклифимиз – ушбу қисмга озгина ўзгартириш киритилса яхши бўларди (соғлом она ва соғлом чақалоқ учун 9 марта бориш керакми?). Агар сил, онкология, камқонлик, болалар касалликлари бўйича стандартлар ишлаб чиқилса фаолиятимиз янада кенгайиб, билим ва тажриба кўламларимиз ошиб боради. Бундан ташқари, ишлаб чиқилаётган ҳар бир стандартлар бўйича тарқатма материал ва буклетлар тайёрланса, аҳолининг тиббиётга бўлган ишончи янада ортиб, уларнинг тиббий маданияти ошади. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиманки, «Шахслараро мулоқот», «Кўкрак сути билан боқиш», «Бирламчи тиббий санитария тизимида ҳамширалар ишининг асосий кўникмалари», «Репродуктив саломатлик» ва «Беҳатар оналик» мавзулари бўйича ўқув семинарлари ташкил этилганлиги касбимизга бўлган иштиёқимизни янада оширди. Ушбу ўқув семинарларини бизга тўлақонли етказишда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳамширалик иши бўйича бош мутахассиси Севиль Ризаева, тренер Роза Азимова, Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси Малика Набиева ва ҚВПмиз катта ҳамшираси Гулшан Турсунқулованинг меҳнатлари катта бўлди. Улардан олган сабоқларимиз боис, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйиб, ҳар бир ахборотни уларга тўлақонли етказишда бор куч ва имкониятларимиздан унумли фойдаланмоқдамиз.

**Мавлуда ҲОЖИЕВА, уй бекаси:**

*– Келиним Маҳбубахон яқинда фарзанд кўрди. Набирам дунёга келгунча «Тут» қишлоқ врачлик пунктида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг ёрдамлари жуда катта бўлди. Доимий матбуотларни кузатиб бораман. Айниқса, Президентимизнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича кўрсатаётган ғамхўрликлари ҳар бир ота ва она қалбини қувончга тўлдиради. Келиним ва набирам туғруқ мажмуасидан қайтгач патронаж ҳамшира Нодира Мелиеванинг тез-тез келиб, улар ҳолидан хабар олиши оила аъзоларимизни мамнун қилмоқда. Нодиранинг савол-жавоблари, келинимга бераётган маслаҳатлари ва набирамнинг соғлигига қараётган эътибори унинг касбига бўлган иштиёқи баланд эканлигини кўрсатади. Шунингдек, чақалоқни қай даражада парвариш қилиш, она сути билан боқиш, тўғри овқатлантириш ва ювинтириш масалалари бўйича келинимга, қолаверса менга ҳам керакли тавсияларни беради. Мазкур ҚВПнинг барча ходимларидан миннатдормиз.*

Ўзбекистон Республикаси · Халқаро тараққиёт уюшмаси · Осиё тараққиёт банки · Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянс
2009 й. № 5
«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
«Health – 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm» Projects
Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»

## *Непрерывное образование*

# КОНТРОЛЬ НЕОБХОДИМЫХ ЗНАНИЙ И НАВЫКОВ

***Ежегодно медицинские учебные заведения страны выпускают тысячи студентов, которые затем начинают свою независимую профессиональную жизнь. Несмотря на то, что знания, накопленные в процессе обучения, могут активно применяться на практике в течение длительного времени, стремительное развитие медицины требует постоянного пребывания в курсе событий. Этого можно достичь путем регулярного повышения квалификации, принимая участие в семинарах и курсах, организуемых для медицинских работников именно с этой целью.***

Одно из звеньев цепи медицинских работников занимают патронажные медицинские сестры. Их работа имеет свои особенности, отличающие деятельность патронажных медсестер от других. В первую очередь, это тесная связь с населением. Регулярные обходы и осмотры прикрепленного населения являются причиной того, что между медицинской сестрой и осматриваемым лицом или группой лиц налаживаются теплые, доверительные отношения. Следующей особенностью является разнообразие заболеваний и недугов, с которыми сталкивается медсестра, проводящая патронаж. Это делает ее работу довольно напряженной и вырабатывает у работниц чувство ответственности, сноровку, умение быстро реагировать в непредвиденной ситуации. Кроме того, подготовленность медицинской сестры всегда должна быть на высоком уровне. В частности, патронажная сумка, являясь "лицом" каждой медсестры, должна содержать в себе весь перечень необходимых для обхода предметов. От того, насколько удачно и правильно медсестра справляется со своей работой, будет зависеть физическое состояние пациентов.

Не так давно нам была предоставлена возможность понаблюдать за проведением мониторинга, который регулярно проводится представителями Совместного бюро по реализации проектов "Здоровье-2" и "Укрепление здоровья женщин и детей" с целью проверки качества работы патронажных медицинских сестер, правильности выполняемых ими обязанностей и функций. Для этого мы посетили семейную поликлинику №59 Яккасарайского района города Ташкента. В процессе нашего пребывания там мы обратили внимание не только на сотрудников поликлиники, но и на обстановку учебных комнат, наличие и использование оборудования, поставленного в рамках проектов "Здоровье-2" и "Укрепление здоровья женщин и детей". Для начала хочется отметить неплохо отремонтированное помещение учебной комнаты, содержащей в себе все необходимое для проведения занятий. В частности, круглый стол и 20 стульев, позволяющие слушателям удобно расположиться, 2 шкафа, наполненных книгами по медицинской специальности, а также методические пособия, необходимые непосредственно для прохождения занятий. Наличие телевизора и DVD-плеера, позволяющих разнообразить процесс обучения просмотром роликов медицинской тематики, а также белая доска и учебные плакаты на стенах делают процесс обучения более комфортным и продуктивным.



Затем мы перешли непосредственно к основной цели нашего визита. Медицинских сестер, каждая из которых прошла обучение по проектам "Здоровье-2" и "Укрепление здоровья женщин и детей", попросили продемонстрировать патронажные сумки и их содержимое. Было отмечено, что все предметы, которые патронажной медицинской сестре необходимо носить с собой, были в наличии. В том числе, в комплекте имелись все наглядные пособия, которые могут понадобиться для работы с населением в процессе визита в домохозяйства. Немаловажный факт заключается в том, что среднее количество закрепленного за каждой медсестрой населения варьирует от 1500 до 2500 тысяч человек.

Следующий за проверкой содержимого патронажных сумок этап заключался в письменной проверке знаний, осуществляющейся посредством заранее составленных анкет. Определенное количество времени медицинские сестры потратили на решение тестов, после чего национальным консультантом по обучению патронажных медицинских сестер проекта «Укрепление здоровья женщин и детей» ответы были проверены. В результате, анкета каждой участницы содержала в среднем 2-3 неправильных ответа. Средний процент набранных патронажными медсестрами процентов составил 74%. Иными словами, с данным этапом проверки патронажные медсестры справились довольно неплохо.

Третий этап нашей работы с медсестрами семейной поликлиники №59 заключался в устном опросе с элементами проверки практических навыков. Для укрепления этих навыков, медицинским сестрам во время обучения со стороны проекта "Укрепление здоровья женщин и детей" были предоставлены руководства по таким тематикам, как «Межличностное общение, грудное вскармливание, основные навыки медсестер в ПМСП, репродуктивное здоровье и безопасное материнство». В качестве примечания отметим, что, кроме руководств, есть перекидной альбом, предназначенный для работы с населением, который является необходимым элементом патронажной сумки медицинских сестер. Далее начался опрос по каждой теме, упоминаемой в книге. В число заданных вопросов вошли простые, начиная правилами по использованию мыла и мытья рук с мылом, пользования полотенцем, заканчивая детальным объяснением правил подсчета пульса на запястье, шее, измерение кровяного давления. В завершении были заданы другие сложные вопросы о правилах купания ребенка, нанесения тетрациклиновой мази на глаза ребенка, хронических болезнях нарушения дыхания и многие другие. По-видимому, устный опрос оказался самым сложным заданием по сравнению с другими, так как вопросы, на которые медицинские сестры отвечали уверенно, четко и быстро, сочетались с вопросами, на которые комиссия не смогла получить полный и исчерпывающий ответ. По завершении данного этапа проверки, патронажным медицинским сестрам были даны рекомендации ближе ознакомиться с некоторыми параграфами методического пособия. Кроме того, была проведена подробная работа над ошибками, в процессе которой зачитывался каждый вопрос, на который был дан неправильный ответ, и путем обсуждения медицинские сестры вновь давали свои уже правильные ответы. В целом же, результаты данного этапа можно назвать довольно неплохими.

Завершающий этап, представивший собой непосредственно практическое применение теоретических знаний, заключался в совершении патронажа к населению. Было организовано посещение нескольких жилых домов. Патронажная сестра должна была совершить свой обычный обход, выполняя те обязанности, которые она выполняет обычно. Опишем один из случаев. Мы посетили беременную женщину, находящуюся на 6 месяце беременности. Медицинская сестра измерила ей давление, задавая вопросы, касающиеся ее самочувствия. После проведения осмотра, медицинскую сестру попросили удалиться с целью того, чтобы комиссия смогла пообщаться о ее работе с беременной женщиной. В целом, отзывы о патронажных медицинских сестрах и той помощи, которую они оказывают, были довольно положительными. Жители особо отмечали теплое и бережное отношение к ним, членам их семьи. Некоторые из них, согласно словам самих жителей, за годы проведения патронажа стали почти как члены семьи. Нас порадовали столь положительные отзывы о работе медицинских сестер, ибо нет более щедрой похвалы, чем приятные слова от самих пациентов.

***Подводя итоги нашему пребыванию в поликлинике №59 Яккасарайского района, можно сказать, что результаты, полученные при опросе медицинских сестер, оказались положительными. Не учитывая некоторых легко исправимых погрешностей, которые могут быть обусловлены также чрезмерным волнением перед комиссией, патронажные сестры показали хороший уровень работы. Особенно факт положительной оценки их работы со стороны населения свидетельствует о действительно усердно выполняемых обязанностях. В заключении, хочется сказать, что в руках патронажных сестер находится большое количество людей, регулярный осмотр которых надо проводить тщательно, усердно, не забывая, что среди них есть беременные женщины, дети, лица пожилого возраста и многие другие категории людей, особо требующие теплого и внимательного отношения. Опыт набирается на практике, а забота и доброжелательные отношения с пациентами должны стать неотъемлемым качеством медицинских сестер уже в начале их профессионального пути.***

**Юлдуз НАЛИБАЕВА.**

## *Ёш оналарга маслаҳат*

# БОЛАНИ КЎКРАК СУТИ БИЛАН БОҚИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ



*1. Кўкрак сути гўдак ҳаётининг дастлабки олти ойи мобайнида ўта муҳим ягона озуқа ҳисобланади. Гўдак олти ойлик бўлгунга қадар кўкрак сутидан ташқари ҳеч қандай овқат ёки суюқликка, ҳатто сувга ҳам муҳтожлик сезмайди.*

*2. Дунёга келган янги гўдак ўз онаси ёнида бўлиши ва туғилганидан кейин бир соат ичида онасини эмишни бошлаши зарур.*

*3. Болани тез-тез эмизиш натижасида кўкрак сути кўпайиб боради. Одатда ҳар бир она гўдакни ўз кўкрак сути билан эмизишга қодир.*

*4. Гўдакларни она сути билан боқиш чақалоқлар ва ёш болаларни хавфли касалликлардан сақлашда ёрдам беради. Бу, шунингдек, она ва болани ўзига хос меҳр ришталари билан боғлайди.*

*5. Гўдакни шиша идиш билан сўрғич орқали эмизиш унинг касалланишига, ҳатто кўнгилсиз ҳолатлар юз беришига олиб келади. Агар она ўз боласини эмиза олмаса, чақалоққа кўкрак сути ёки унинг ўрнини босадиган озуқаларни санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда бериши керак.*

*6. Бола 6 ойлик бўлгач, турли қўшимча озуқаларга муҳтож бўлади, бироқ у икки ёшгача ва ундан кейин ҳам маълум муддат эмизилиши керак.*

Мазкур мақолалар Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлом оила-жамият мустаҳкамлиги ва мамлакат барқарорлиги омили» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепление здоровья женщин и детей».
Исполнительного директора Ж. А. Жабриев.
100007, г. Ташкент, ул. Паркентская, 51,
ТашИУВ, административный корпус, 3-й этаж.
Контактные телефоны: 268-08-19, 267-73-47.
Факс 268-25-39,
E-mail: office @ jpib.uz. com.uz.

Вилоятлардаги лойиҳа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА.

*Эътироф*

# МУРУВВАТДАН КЎНГИЛЛАР МАМНУН

***Туман ижтимоий таъминот бўлимидан қўнғироқ қилиб, сиҳатгоҳга иккита йўлланма бор, турмуш ўртоғингиз билан дам олиб кетинглар, дейишганида, дастлаб иккиланиб қолдим. Уйдаги иш ҳеч тугамас экан. Ўйлаб қарасам оила, рўзғор ташвишлари билан бўлиб, одамлардек ҳордиқ чиқаришга вақт ажрата олмабмиз ҳам.***



Тақдир тақозоси билан айни куч-қувватга тўлган, ишлаб чарчамайдиган бир вақтда аввал рафиқам автоҳалокатга учраб, шунинг оқибатида, кейин эса ўзим ҳам оғир хасталик туфайли умрбод ногирон бўлиб қолдик. Иккимиз бир-биримизга суяниб,



фарзандлар, неваралар ардоғида ҳаёт нашидасини сура бошладик. Турмуш қийинчиликларини сабр-бардош билан енгиб ўтишга интилдик. Буни қарангки, шунда ҳам саломатликни тиклаш, қолган умрни шукроналик билан ўтказиш илинжида, ўзимизни-ўзимиз овутиб юравердик. Бир неча йилдан бери дам олиш учун бепул йўлланма ажратиб, уйимизга қўнғироқ қилиб туришса-ю, биз эса иккиланиб ўтирсак?!

Умр йўлдошимга уч кундан кейин дам олиш учун сиҳатгоҳга жўнаймиз, ҳозирлигингни кўр десам, у менга ажабланганча қараб қолди.

– Ҳа, – дедим унга тикилганча, – бу сафар ҳам боролмаймиз, вақтимиз йўқ, деб айтишим керакмиди?

Хуллас биз сиҳатгоҳга бориб, соғлигимизни тиклашни ўз олдимизга мақсад қилдик.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли «Нуронийлар оромгоҳи» сиҳатгоҳи биз ўйлагандан кўра ҳам анча кўркам ва манзарали ҳудудда жойлашган экан. Дастлабки кунданоқ сиҳатгоҳ маъмурияти ва ходимларининг ширин муомаласи, даволовчи шифокорлар ва ҳамшираларнинг шифобахш муолажалари ҳориб-толган танамизга қувват бағишлаб, ҳаётга бошқача назар билан қарашга ундади. Республикамизнинг турли бурчакларидан келган нуроний отахон ва онахонлар даврасида ўзимизни эркин тута бошладик. Ўзимиз ҳам 60 ёшни қоралаб турибмиз. Назаримда бу сўлим масканда дам олувчилар ёшидан қатъи назар, бир-бири билан тезда тил топишиб кетиши, шунингдек, кунига тўрт маҳал иссиқ овқат, ҳар кеч маънавий тадбирларнинг ўтказилиши киши баҳридилини очиб юборар экан. Ўн олти кун давом этадиган сиҳатгоҳдаги мазмунли дамлар тезда ўтиб кетди. Аммо унинг дилларга ором бахш этувчи лаззатли онлари ҳали узоқ вақт қалбимиз тўрида яшашига шубҳа йўқ.

Ногиронларга, кексаларга шундай шароитларни яратиб, саховатпешаликни йўлга қўйган давлатимиз раҳбарларига ҳар қанча раҳматлар айтиб, кўрсатилаётган ғамхўрликдан бошимиз осмонга етганини билдириб қўйиш мақсадида сиҳатгоҳ бош шифокори билан учрашиш нияти туғилди. Бунинг яна бир сабаби бор. Мазкур даргоҳга бир неча йилдан бери қатнаб турадиган отахону онахонлар сиҳатгоҳга янги бош шифокор тайинлангандан буён бу ерда жуда катта ўзгаришлар қилинганини эътироф этиб, астойдил дуолар қилишди. Ҳа, чинданда қариялар мароқли дам олиб, саломатликларини тиклашларида бу ерда ҳамма нарса муҳайё қилинган.

– Ушбу сиҳатгоҳга бош шифокор этиб тайинланганимга эндигина бир йилдан ошди, – дейди Равшан Носиров. – Аммо, мана шу қисқа муддат ичида айтиш мумкинки, каттагина ишларни амалга оширдик. 8 қаватли сиҳатгоҳнинг уч қавати тўла жорий ремонтдан чиқарилди. Ҳозирги кунда қолган қаватларни ҳам таъмирлаш давом этмоқда. Буларни амалга оширишда хўжалик ишлари ўринбосари Султонмурод Табибов ва тиббиёт бўлими бошлиғи Гулираъно Маҳмудованинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Сиҳатгоҳ ҳудудини манзарали ва мевали дарахтлар билан бойитиб, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ён-атрофга назар ташласангиз кўзни қувнатувчи кўркамликдан дилингиз яйрайди. Дам олувчиларга



малакали хизмат кўрсатаётган шифокору ҳамширалар ўз касбини ардоқлаб келаётган ходимлардандир. Жумладан, катта ҳамшира Маҳфуза Зокирова, парҳез шифокори Нигора Нуриддинова, парҳез ҳамшираси Шаҳноза Латипова, уқаловчи Гулнора Азимова, Мухтабархон, қават бекаси Сурайё Хўжаева ва бошқалар меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Яна бир гап – ўз ишининг устаси бўлган аҳил жамоа орасида фаолият олиб бориш ҳамиша ғайрат билан ишлашга ундайди. Тўғри, ходимларни номма-ном санаб ўтишнинг иложи йўқ. Асосийси, улар хизматидан барча даволанувчилар миннатдор.

Сиҳатгоҳда маданий-маърифий ишлар ҳам жуда яхши йўлга қўйилган. Буларнинг барчасига маданий ишлар бўлими бошлиғи Юлдуз Асқарова бош-қош.

– «Нуронийлар оромгоҳи» сиҳатгоҳига ташриф буюрган ҳар бир дам олувчига алоҳида эътибор қаратиб, кўнгилларини шод этиш асосий вазифамиз ҳисобланади, – дейди Юлдуз Турғуновна. – Оромгоҳимиздаги каттагина кино-томошалар зали, анчагина миқдордаги китоблар, газета-журналлар тахламларига эга бўлган кутубхона, бильярдхона улар хизматида. Ҳар сафар шаҳримизнинг турли гўшаларига саёҳатлар уюштириб турамиз. Мана яқинда дам олувчилар Мустақиллик майдони, Шаҳидлар хиёбони, Зангиота, Ҳазрати Имом мажмуаларини зиёрат қилиб, Тошкент телеминорасига чиқиб, азим пойтахт жамолидан баҳраманд бўлишди. Мустақиллигимизнинг 18 ҳамда азим шаҳримизнинг 2200 йиллиги муносабати билан раҳбарият ва ҳомийлар ёрдамида дам олувчилар учун байрам кечаси ўтказилди. Улар орасида юртимизнинг таниқли санъаткорлардан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Мели Маҳкамов ва унинг рафиқаси – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тамара Маҳкамова ҳам бор эди. Кўпчиликнинг илтимосига биноан катта залда улар билан учрашув ўтказилди. Ниҳоятда қизиқарли ўтган ушбу кечада мухлислар Тамара Маҳкамова ижросидаги саҳна асарлари, видео, кинотасмаларни томоша қилиб, бу икки санъаткорни қизғин олқишлашди.

Ҳа, халқимиз бежизга «яхши дам – меҳнатга ҳамдам», демайди. Узоқ-узоқлардан келиб, кўнгилли ҳордиқ чиқариш ва шифобахш даво муолажаларини олиб, оила бағрига қайтиш, бу сиҳатгоҳга яна бир бора келиш илинжи билан уйғунлашиб кетади. Сўзларимни мухтасар қилар эканман, сиҳатгоҳ яратилган шароит ва имкониятлар барчамизни мамнун этди. Шу ўринда сиҳатгоҳ маъмуриятига ўзимнинг бир таклифимни айтмоқчиман. Агар дам олиш маскани ичида матбуот шохобчаси ташкил этилиб, у ердан даврий нашрлар ўрин олса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Ҳа, мен ва турмуш ўртоғимнинг таҳсинга лойиқ бўлган сиҳатгоҳда дам олиб қайтишимиз бизга соғлик аталмиш олий неъматни тухфа этди. Зеро, ана шундай дам олишнинг маъно-мазмуни ҳам айнан мана шунда.**

**Миржалол МИРАЛИЕВ, фахрий журналист.**
**СУРАТЛАРДА:** *сиҳатгоҳ ҳаётидан лавҳалар.*
**Суратлар муаллифи Собир МАЖИДОВ.**

*Мутахассис огоҳлантиради*

# ГРИППДАН САҚЛАНИНГ!

***Грипп – ўта юқумли вирусли касаллик бўлиб, аҳоли ўртасида тез ва осон тарқалиши билан бошқа касалликлардан фарқ қилади. Касаллик манбаи бемор одам бўлиб, у ҳаво-томчи йўли орқали бошқа кишиларга юқади. Грипп эпидемиясининг вужудга келиши йилнинг совуқ ойлари (ноябрь, март)га тўғри келади. Касаллик тўсатдан, ўткир бошланади. Белгилари: қаттиқ бош оғриши, айниқса, пешона ва кўз усти соҳаларида, бош айланиши, мадорсизлик, мушаклар ва кўз соққаларида оғриқ, нафас сиқиши. Касалликнинг биринчи соатлариданоқ тана увишади, ҳарорат 38-40 даражагача кўтарилади ва 2-5 кун давом этади.***

Грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекция (ЎРВИ) билан оғриган барча беморлар иситма даврида албатта ётиши ва шифокорни уйига чақириши лозим. Шунингдек, калорияли, сервитаминли, парҳез таомлар билан бирга бир суткада 1,5-2 литргача суюқлик (чой, мева шарбатлари, иссиқ сут, малинали, лимонли чой, минерал сувлар) истеъмол қилишлари керак. Дорилардан касалликнинг биринчи куни интерферон, ремантадин, аскорбин кислота тавсия этилади. Грипп асоратсиз ўтиши учун антибиотик ва сульфаниламидлардан фойдаланмаслик лозим. Ушбу касаллик билан курашиш тиббиётда икки йўналишда олиб борилмоқда. Биринчиси, организмнинг касалликка қарши курашиш хусусиятини ошириш мақсадида аҳолини эмлаш, яъни вакцинопрофилактика. Иккинчиси, инсон ўзини касалликдан муҳофаза қилиши, яъни танани чиниқтириши, бадантарбия билан мунтазам шуғулланиб, овқатланишга алоҳида аҳамият бериши лозим. Шунингдек, кўпроқ очиқ ҳавода юриш, совуқ кунларда иссиқ кийиниш, албатта бош кийим кийиш ва оёқ кийим иссиқ ва қуруқ бўлиши жуда муҳимдир. Гриппнинг олдини олишда муассасалар, ўқув юртлари, корхоналар, мактаблар, боғчалар ва аҳолининг яшаш жойларида барча хоналарнинг иссиқлик ҳарорати 17-18 даражадан паст бўлмаслиги аҳамиятлидир. Грипп эпидемияси даврида асосий эътиборни касалланиш хавфи кўпроқ бўлган аҳоли гуруҳларини муҳофазалашга қаратиш лозим. Бу гуруҳга тиббиёт, транспорт, мактаб, боғча, савдо, умумий овқатланиш муассасалари ходимлари киради. Касалликнинг олдини олиш мақсадида дока ниқоблардан фойдаланиш ва уларни албатта ҳар тўрт соатда алмаштириш зарур. Бу ҳолда ниқоблар 98 фоизгача патоген микрофлораларни ўзида ушлаб қолади. Хоналар 0,5 фоизли хлорамин ёки хлорли оҳак эритмаси билан ҳар куни 2-3 марта ювилса, хлор буғланиб, ҳаводаги грипп ва ЎРВИ вирусларини ўлдиради. Шунингдек, исириқ тутуни ҳам бактериоцид ва вирулоцид таъсир кўрсатиб, хона ҳавосини зарарсизлантиради. Хоналарни тез-тез шамоллатиш, ҳавосини алмаштириш микроорганизмларнинг сонини 85-90 фоизгача камайтиради.

Профилактик мақсадда ремантадин, оксалин суртмаси, интерферондан фойдаланиш ҳамда шахсий гигиенага риоя қилиш касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

**Д. ҚОСИМОВА,**
**Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази шифокор-эпидемиологи.**

**Подписывайтесь на газету в 2010 году**

## *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади*

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2009 йил 19 июндаги 5-сон мажлис қарорига асосан лицензиатларнинг аризалари инобатга олиниб, уларга тиббий фаолият кўрсатиш учун берилган "Вақтинчалик рухсатнома" ва лицензияларнинг амал қилиши тугатилган қуйидаги юридик ва жисмоний шахслар ҳамда лицензиясининг амал қилиши тугатилган юридик шахслар хақида ахборот

**2009 йил 19 июндаги 5-сон мажлис қарорига асосан лицензияларнинг амал қилиши тугатилганлар:**

1.1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпиталь мавзеси, 11-уй, 3-хонадонда жойлашган "Yakdillik" ёпиқ акциядорлик жамиятига 29.03.2004 йилда берилган 3637-тиб. сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.2. Наманган вилояти, Поп тумани, Поп шаҳри, С. Раҳимов кўчаси, 15-уйда жойлашган якка тадбиркор Бахтиёр Ортиқовга жарроҳлик ихтисослиги бўйича 08.01.2001 йилда берилган 3350-рақамли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.3. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 160-уйда жойлашган якка тадбиркор Абдуқаюм Хаджиевга проктология ихтисослиги бўйича 02.06.2003 йилда берилган 3967-рақамли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.4. Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Й. Охунбобоев кўчаси, 2-уйда жойлашган якка тадбиркор Баҳромжон Болтабоевга болалар жарроҳлиги ихтисослиги бўйича 30.09.2003 йилда берилган 3350-рақамли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.5. Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Қўғай Ўлмас ҚФЙ, Маданият кўчаси, 3-уйда жойлашган якка тадбиркор Мухторали Деҳқоновга педиатрия ихтисослиги бўйича 15.07.2005 йилда берилган 968-рақамли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.6. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Ю. Ражабий кўчаси, 1-уйда жойлашган якка тадбиркор Раҳимов Юсуфхон Умархоновичга нейрохирургия ихтисослиги бўйича 24.01.2007 йилда берилган П-175-рақамли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.7. Наманган вилояти, Чуст шаҳри, М. Фаёзов кўчаси, 42-уйда жойлашган якка тадбиркор Аҳмедов Махсутхон Сайфиддиновичга оториноларингология ихтисослиги бўйича 24.07.2001 йилда берилган 3476-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.8. Наманган вилояти, Чуст тумани, Тепақўрғон қишлоғида жойлашган якка тадбиркор Нуриддинов Нумонхон Ҳабибхоновичга стоматолог-ортопед ихтисослиги бўйича 24.07.2001 йилда берилган 3474-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.9. Наманган вилояти, Наманган тумани, Шўрқишлоқ қишлоғида жойлашган якка тадбиркор Давронов Эркин Абдулхаевичга кардиология ихтисослиги бўйича 29.05.2001 йилда берилган 3451-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.10. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Самарқанд кўчаси, 3-уйда жойлашган якка тадбиркор Айшахон Қочқаровага гинекология ихтисослиги бўйича 13.07.2006 йилда берилган 4602-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.11. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Й. Охунбобоев кўчаси, 62-уй "Наманган мебел" ОАЖ ҳудудида жойлашган якка тадбиркор Толибжон Вахабовга неврология ихтисослиги бўйича 22.06.2007 йилда берилган 4699-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.12. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Ж. Мангуберди кўчаси, 45-уйда жойлашган якка тадбиркор Шакирова Раънохон Сабитхановнага гинекология ихтисослиги бўйича 17.11.2005 йилда берилган 4519-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.13. Наманган вилояти, Давлатобод тумани, Ғалаба кўчаси, 9-уйда жойлашган якка тадбиркор Казаков Яхёхон Деҳқоновичга психотерапия ихтисослиги бўйича 12.12.2002 йилда берилган 3848-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.14. Наманган вилояти, Уйчи тумани, Уйчи шаҳри, Фабрика кўчаси, 32-уйда жойлашган якка тадбиркор Адибахон Мадаминовага акушер-гинекология ихтисослиги бўйича 20.05.2004 йилда берилган 4178-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди

1.15. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-кичик ноҳия, 13-уй, 36-хонадонда жойлашган якка тадбиркор Камалов Джамолитдин Шахабеддиновичга неврология ихтисослиги бўйича 29.03.2004 йилда берилган 4138-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.16. Наманган вилояти, Наманган тумани, Қуйи Ровистон қишлоғи, 21-уйда жойлашган якка тадбиркор Ғиёсов Баҳодир Зиёвиддиновичга терапия ихтисослиги бўйича 02.06.2003 йилда берилган 3966-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.17. Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 43-уйда жойлашган якка тадбиркор Низамов Абдивалихон Кузихановичга оториноларингология ихтисослиги бўйича 04.03.2003 йилда берилган 3966-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.18. Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳри, Мустақиллик кўчасидаги Марказий стоматология поликлиникасининг 2-қаватида жойлашган якка тадбиркор Ҳожиева Роҳила Тожибаевнага стоматолог-терапевт ихтисослиги бўйича 15.11.2002 йилда берилган 3817-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.19. Наманган шаҳри, Дўстлик кўчаси, 14-уй "Ортопедо-жарроҳлик" шифохонасининг 4 қаватида жойлашган якка тадбиркор Дадабоев Носир Қодировичга травматолог-ортопед ихтисослиги бўйича 15.11.2002 йилда берилган 3818-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.20. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, А. Ҳидоятов кўчаси, 12-уйда жойлашган якка тадбиркор Нармаматова Насиба Хаитовнага гинекология ихтисослиги бўйича 16.12.2006 йилда берилган 4594-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.21. Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳри, С. Раҳимов кўчаси, 44-уйда жойлашган якка тадбиркор Халимов Равшан Кадыровичга кардиология ихтисослиги бўйича 30.04.2003 йилда берилган 3956-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.22. Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, Мустақиллик қишлоғида жойлашган якка тадбиркор Негматов Норхўжа Икрамовичга проктология ихтисослиги бўйича 29.10.2003 йилда берилган 4087-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.23. Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, Бешкент шаҳри, Умар Баҳромов кўчаси, 52-уйда жойлашган якка тадбиркор Жўраева Дилбар Бўриевнага терапия ихтисослиги бўйича 29.07.2003 йилда берилган 4009-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.24. Фарғона вилояти, Фурқат тумани, Навбаҳор қишлоғи, Гулистон кўчаси, 17-уйда жойлашган "Аверон" хусусий фирмасига ортопедик-стоматология ихтисослиги бўйича 16.04.2004 йилда берилган 3679-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.25. Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Сариқ қўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини, Қирғиз қишлоғи, чойхона ёнида жойлашган якка тадбиркор Мадаминова Одинахон Имамалиевнага неврология ихтисослиги бўйича 29.11.2001 йилда берилган 3589-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.26. Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Қиргули тумани, Шифокорлар кўчаси, 14-Б уй, 61-хонадонда жойлашган якка тадбиркор Сатвалди Сатторовга стоматолог-терапевт ихтисослиги бўйича 21.01.2003 йилда берилган 3888-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

1.27. Навоий вилояти, Нурота тумани, Янги бино қишлоғида жойлашган якка тадбиркор Зулфихоров Урал Асатовичга терапия ихтисослиги бўйича 21.01.2003 йилда берилган 3871-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

**(Давоми келгуси сонда).**

## ИНТЕРНЕТ СООБЩАЕТ

### ***Рак желудка и кишечника будут выявлять по анализу крови***

Анализы крови могут заменить эндоскопические исследования (гастроскопию и колоноскопию) при поиске злокачественных новообразований желудка и кишечника, сообщает lol.co.za. Два соответствующих доклада были представлены на онкологическом конгрессе ECCO-ESMO в Берлине.

Группа исследователей под руководством Ульрики Штайн из берлинского Центра молекулярной медицины и клинической больницы Шарите разработала тест, основанный на обнаружении в крови пациента гена S100A4, который связан с колоректальным раком и злокачественными опухолями желудка, а также определяет вероятность метастазирования этих опухолей. Исследование проводилось на 185 пациентах с раком толстой кишки, 190 пациентах с раком прямой кишки и 91 пациенте с раком желудка. В контрольной группе был 51 человек.

Вторая работа была подготовлена Джустом Луаджи в бельгийской биотехнологической компании OncoMethylome. Изучались образцы крови 193 пациентов, которых оперировали в связи с колоректальным раком, и 688 человек, прошедших колоноскопию, в которых выявляли наличие генов SYNE1 и FOXE1, также связанных с раком кишечника.

Колоректальный рак поражает каждого семнадцатого человека в развитых странах. Смертность от этого вида опухолей в значительной степени зависит от времени их обнаружения. Для проведения эндоскопических исследований требуется дорогое оборудование и высококвалифицированный персонал. В сравнении с ними, исследования крови, забор которой может производиться медсестрой, а исследования – проводиться централизованно, значительно выгоднее. Кроме того, анализ крови значительно удобнее и безопаснее для пациента.

### ***Ученые на две трети снизили лучевую нагрузку при КТ-ангиографии сердца***

Американские радиологи нашли способ уменьшить лучевую нагрузку при проведении компьютерно-томографической ангиографии (КТА) сердца, сообщает Medical News Today.

КТА сердца является неинвазивной альтернативой ангиографии для диагностики атеросклероза коронарных артерий, являющегося причиной ишемической болезни сердца (ИБС).

Исследователи из Медицинского колледжа Висконсина синхронизировали КТ с электрокардиограммой (ЭКГ) таким образом, чтобы делать снимки лишь в те моменты сокращений сердца, когда скорость движения сердечной мышцы минимальна. Такая синхронизация называется проспективной, в отличие от ретроспективной, при которой сопоставление с ЭКГ производится после проведения КТ. Для оценки эффективности такой диагностики ученые сравнили результаты 40 КТ-ангиограмм с ретроспективной и 40 – с проспективной синхронизацией. По словам руководителя работы Дэнниса, качество съемки оказалось одинаковым. При этом доза облучения, получаемая пациентом при использовании новой методики, примерно в три раза меньше, чем при традиционном исследовании.

Информация о разработке опубликована в American Journal of Roentgenology.

### ***Для оптимальной защиты здоровья необходимо регулярно принимать витамин К***

Врачи рекомендуют принимать достаточное количество витамина К, чтобы обезопасить свое здоровье от сердечно-сосудистых заболеваний, накопления солей кальция в артериях и почках и от ломкости костей, а также от рака. Медики Исследовательского института Окленда (США) проанализировали материалы сотен статей, начиная с 1970 года, и сделали вывод, что витамин К играет важную роль для профилактической медицины и оптимального потребления витаминов и минералов.

Дефицит витамина К может вести за собой развитие таких хронических болезней, как сердечные расстройства, раковые опухоли и слабоумие, в том числе способствует процессам старения организма, утверждают клиницисты. Чтобы предостеречь вероятность таких хронических и потенциально смертельных условий, терапевты советуют принимать витамин К либо в виде поливитаминных добавок, либо с пищевыми продуктами. Основными источниками витамина К являются зеленые лиственные овощи (шпинат, цветная и брюссельская капуста), пшеница, овес и рожь.

Кроме того, витамин К необходим для свертывания крови – около половины из 16 известных белков, отвечающих за этот процесс, зависят от концентраций вещества в организме. Другие белки, также зависящие от витамина К, отвечают за работу иммунной системы, артерий и состояние костной массы, объясняют ученые. Микроэлемент жизненно необходим для надлежащей защиты здоровья и поддержания правильного функционирования всего организма, но, по полученным результатам, многие люди не получают достаточное количество витамина К с питанием. Терапевты убеждают регулярно получать в рационе питания либо в форме витаминов более 100 микрограммов витамина К.

*Материалы основаны на данных Интернета.*

**Газетанинг навбатдаги сони 9 октябрь куни чиқади.**

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Ижрочи муҳаррир Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, ёзма жавоб қайтарилмайди. Мақола, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга ⓘ шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел:. 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни руйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 5079 нусха.
Буюртма Г-850.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz

Топширилди – 23.50. 2 3 4 5